
ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ: “НЕФТЧИ” ОЛДИДАГИ БУ ЙИЛГИ МАҚСАД БИТТА – ЧЕМПИОНЛИК!

Бугун Фарғона шаҳридаги Ислон Каримов номидаги театр-концерт саройида “Нефтчи” футбол клубининг янги мавсум олдидан таништирув маросими бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари раҳбарлари иштирок этган тадбирда вилоятимизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган юзлаб футбол ишқибозлари, “Нефтчи” фан-клуби аъзолари, футбол мактабларининг ёш футболчилари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашдилар.

Тадбирни очиб берган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров мавсумни икки ғалаба билан бошлаб, Суперлига пешқадами сифатида бугунги тадбирда иштирок этган Виталий Левченко бошчилигидаги жамоамиз футболчиларини қутлаб, ёрқин ғалабалар тарихига, содиқ мухлисларга эга “Нефтчи” жамоасига жорий мавсумда омад ва зафарлар ёр бўлишини тилади.

Муҳтарам Президентимизнинг футболни янада оммалаштириш ва ривожлантиришга бўлган алоҳида эътиборлари натижасида Ўзбек футболни бугун катта ўсиш жараёнида эканига эътибор қаратган вилоят ҳокими, Фарғонада ҳам профессионал футболни, шунингдек, ёшлар ва ҳаваскорлар футболни ривожлантириш ишлари бу йил янада кенг кўламда давом эттирилишини, шунингдек, “Нефтчи” қошида ёшлар академиясини ташкил этиш, вилоят футбол маҳорати мактабини тўла таъмирлаш бўйича бу йилги режаларни маълум қилди.

“Нефтчи” ўтган 2023 йил давомида ёрқин ўйинлари билан барчамизни хурсанд қилганини, жорий мавсумда эса чиройли ва мазмунли ўйинлар билан бирга юқори натижаларни ҳам қайд этиш кўзланаётганини қайд этган Хайрулло Бозоров, бу йил жамоа олдига қўйилган ягона мақсад – чемпионлик эканини маълум қилди. Вилоят ҳокими мухлисларга юзланиб, мавсум якунида жамоани чемпионлик билан қутлаш ҳамда биргаликда олтин медалларни тақиб қўйиш тилагини билдирди.

Клуб томонидан “Истиқлол” ўйингоҳида бўлиб ўтадиган учрашувларда мухлислар учун қулайликлар яратиш устида иш олиб борилаётганини маълум қилган вилоят ҳокими, яқин кунларда ўйингоҳ атрофида “Нефтчи” формалари ва атрибутикалари дўконлари иш бошлашини, ўйин пайтида мухлисларга енгил овқат ва салқин ичимликлар сотиб олиш имконияти тақдим этилишини билдирди.

Тадбирда “Нефтчи” бош мураббийи Виталий Левченко ҳамда жамоа сардори Мирзоҳид Ғофуров сўзга чиқиб, жамоани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун вилоят раҳбариятига миннатдорчилик билдирдилар, жамоа олдига қўйилган вазифани удалаш, мухлислар ишончини оқлаш учун бор куч-ғайратларини сарфлашларини таъкидладилар.

Тадбир давомида “Нефтчи” жамоаси таркибига жорий мавсум олдидан келиб қўшилган футболчилар таништирилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-03-13 21:13:26